

4-Мавзу: ҲИМОЯЛАЙДИГАН ЎРМОН ДАРАХТЛАРИ ЎТҚАЗУВИНИНГ ТИЗИМИ.

Режа:

1. Дарахтлар ўтқазуви ҳақида тушунча.
2. Мелиоратив роли бўйича ўрмон дарахтлари ўтқазувининг хиллари ва белгилари.
3. Ўрмон мелиорацияси учун фойдаланадиган асосий ўрмон дарахтлари ва буталар тавсифи

Ўрмон мелиорацияси – ўрмон ўтқазувларини ташкил қилиш йўли билан атроф муҳитни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий шароитини яхшилашга қаратилган тадбир

Мелиоратив ўрмон дарахтлар ўтқазуви тизими бошқа тадбирлар мажмуи билан биргаликда тупроқни шамол ва сув эрозиясидан, экинларни гаримсел ва кучли шамоллардан сақлайди, далалар намлигини яхшилайдди, қурғоқчиликнинг зарарли таъсирини пасайтиради. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги иҳота дарахтлари ўтқазуви ҳимоясидаги ерларда очиқ ерлардагига нисбатан анчагина юқори. Бундай ҳолат фақатгина қурғоқчилик йилларидагина эмас, балки бошқа яхши кунларда ҳам.

Тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлашга, микроиқлимни яхшилашга қаратилган ўрмон мелиорацияси ўрмон дарахтлари ўтқазувининг тизимини ташкил этишни назарда тутди.



- далаларни ҳимоя (иҳота) лайдиган ўрмон дарахтлари чизими (ўтқазуви). Улар далаларда экинларни иссиқ гаримсел ва кучли шамолдан сақлаш учун текис ерларда ва сув бўлиш чизиқлари атрофида жойлаштирилади;

- сув оқимини тартибга солиб турувчи кенглиги 15 метргача бўлган ўрмон дарахтлари ўтқазуви ва бута ўсимликларидан ташкил этилган тўсиқ (кулис)лар.

- жарликлар (даралар) олди ўрмон дарахтлари ўтқазуви, кенглиги 15....21 м, даралар ва жарликларнинг ёқаси бўйлаб жойлаштирилади.

- ❑ суғориладиган ерларда каналлар бўйлаб жойлашадиган, сув юзасидан буғланишни камайтириш, ер ости сувини пасайтириш, далаларни қуруқ шамол (гаримсел) дан сақлашга қаратилган ўрмон дарахтлари ўтқазуви;
- ❑ сувини қочирадиган ерларда каналлар бўйлаб жойлашадиган уларнинг кўмилиб кетишидан сақлашга, далаларни эса шамол эрозиясидан сақлашга қаратилган ўрмон дарахтлари ўтқазуви;
- ❑ боғзор, узумзор ва бошқа кўп йиллик мевали дарахтларнинг ичида жойлашадиган, шамол тезлигини пасайтириш ва микроиқлимни яхшилаш учун қўлланадиган ўрмон дарахтлари ўтқазуви;
- ❑ сув омборлари атрофида, дарёлар ёқасида ва сувлоқ ерларда сув оқимидаги қаттиқ заррачаларни ушлаб қолиш, қирғоқларни емирилишдан, ювилишдан ва қум босишдан сақлаш учун жойлаштириладиган ўрмон дарахтлари ўтқазуви;
- ❑ яйловларда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, чорва молларини шамолдан ва қуёш жазирамасидан сақлаш учун жойлаштириладиган ўрмон дарахтлари ўтқазуви ва тўп-тўп қилиб ўтказилган дарахтлар;

- ❑ қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган уринган қумлоқ тупроқларда, қумликларни маҳкамлаш ва унумдор ерлар қаторига киритишга қаратилган тўсиқ (кулис) лар, тўп-тўп қилиб ўтқазилган ва массивли ўрмон дарахтлари ўтқазувлари;
- ❑ тоғ қиялик ёнбағирларида юза ювилишини камайтириш ва сел оқимини олдини олиш учун жойлаштирилдиган чизимли, тўп-тўп ва массив қилиб ўтқазилдиган ўрмон дарахтлари;
- ❑ йўллар ёқасида уларни қор ва қум босишдан сақлайдиган ўрмон дарахтлари чизими;
- ❑ қишлоқ аҳоли пунктлари атрофида муҳитни соғломлаштириш ва аҳолини эстетик тарбиялаш учун жойлаштирилдиган ҳимояловчи ва манзарали (декоратив) ўрмон дарахтлари ўтқазуви;
- ❑ қазилма бойликлар конларида ҳосил бўладиган ағдарма (отвал) ларни рекультивация қилиш мақсадида жойлаштирилдиган ўрмон дарахтлари ўтқазуви.

- ❑ Мелиоратив ўрмон дарахтлари ўтқазуви асосий вазифадан ташқари ёғоч етиштириш, мевалар, қўзиқоринлар ва бошқаларни тўплаш учун фойдаланилади.
- ❑ Улар атроф муҳитни муҳофаза қилишда ва қишлоқ хўжалик ер турлари жойининг биологик сиғими (ҳажми) ни оширишда катта аҳамиятга эга.
- ❑ Уларда қишлоқ далаларидаги зараркунандаларни йўқ қиладиган кўпдан-кўп қушлар ва бошқа жониворлар жойлашади.
- ❑ Уларнинг санитария - гигиена ва эстетика соҳасида ҳам аҳамияти катта, улар қишлоқ аҳолисининг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилашга хизмат қилади.

- ❑ Мелиоратив ўрмон дарахтлари ўтқазуви тизимини тузиш ва жойлаштиришда улар деҳқончилик тизимининг асосий звеноларидан бири эканлигини ва жойга бириктирилган ишлаб чиқариш воситаси сифатида бир қатор хусусиятларга эга эканликларини ҳисобга олишга тўғри келади. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар:
- ❑ қишлоқ хўжалик экинлари дунёсига комплекс равишда таъсир кўрсатиш ва унинг муҳим омилларидан бўлиш билан ўрмон дарахтлари ўтқазувининг ўзи ҳам яхши шароитга муҳтож. Шунинг учун уларни тузиш ва жойлаштириш асосий вазифаларини бажариш билан ўзларининг яшаш шароитлари таъминланган бўлиши лозим;

- ❑ ҳимоялайдиган мелиоратив ўрмон дарахтлар ўтқазуви ўзининг мелиоратив таъсирини фақатгина ўзи эгаллаган майдонга эмас балки атроф ҳудудга ҳам таъсир қилади, яъни маълум бир масофага таъсир қилувчи муҳим ва специфик хусусиятга эга;
- ❑ ўрмон дарахтлари ўтқазуви жойга бириктирилган ишлаб чиқариш воситаси тоифасига киради. Ундан фойдаланиш узоқ муддатга мўлжалланган. Уни барпо қилиш эса махсус ер майдони ва анчагина маблағ ҳамда меҳнат талаб қилади. Шунинг учун ўрмон дарахтлари ўтқазувини барпо қилишда улар учун керакли майдонни аниқ белгилаш лозим.

- ❑ Ўрмон дарахтлари ва буталар қуйидаги асосий наслий гуруҳларга бўлинади:
- ❑ бош насллар.
- ❑ йўлдош насллар.
- ❑ буталар.

Дарахтларнинг бош насллари:

- ❑ 1. ОҚ АКАС (акация). Баландлиги 25 метрдан ортиқ, диаметри 1 м., 70-80 йил яшайди шохбарги (кронаси) нафис, барглари патсифат, гуллари оқ, шингил бўлиб осилган. Тез ўсади, уруғидан кўпаяди. Ёруғлик ва ҳароратни севади, қурғоқчилик ва шўрланишга бардош беради. Жарлик ва дара (балка) ларни ўрмонлаштиришда қиммат баҳо ҳисобланади. Иҳота дарахтлари чизимида кенг фойдаланилади. Ватани – Шимолий Америка
- ❑ 2. ВЯЗ. (патсимон шохли қайрағоч) . Баландлиги 15 – 20 м, 35-50 йил яшайди, шарсимон шохбарг (крона)ли, уруғидан кўпаяди, ёшлигида тез ўсади, иҳота дарахтлари чизимида ва кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади. Табиий шароитда Урта Осиёда ўсади

- 3. ГЛЕДИЧИЯ (УЧ ТИКАНЛИ). Баландлиги 25 – 30 м., диаметри 60-70 см; шохбарги (кронаси) ёйилган, нафис, 20 ёшгача тез ўсади, яшаш муддати 100 йилдан ортиқ, уруғидан купайтирилади, ўрмон дарахтлари чизимида фойдаланиладиган дарахтлар ичида энг яхшиси. Ватани – Шимолий Америка
- 4. ОҚТОЛ. Баландлиги 20 – 30 м., кенг ва доирасимон, шохбарг (крона)ли. Тез ўсади, 80-100 йил яшайди, қаламчалар орқали кўпайтирилади.

5. ЁНҒОҚ. Баландлиги 25 м., 10 йилда 6 метрга ўсади. 300-400 йил яшайди, шохбарги (кронаси) шарсимон. Табиий ўрмонларда Ўрта Осиё тоғларида ўсади. Ҳосили ва ёғочи энг қиммат баҳо ҳисобланади. Умуман ер шарида энг қимматбаҳо дарахт. Асосан саноат боғдорчилигида ва ўрмон дарахтлари чизимида фойдаланилади.

6. ОҚТЕРАК. Баландлиги 25-30 м, 100 йилдан ортиқ яшайди. Озиқага бой, намли тупроқларда яхши ўсади. Кўпроқ ўрмончиликда фойдаланилади. Ўрмон дарахтлари ўтқазувида эса жарликлар ва дарёлар ёқасида фойдаланилади. Табиий шароитда дарё ҳавзаларида текислик ва тоғ ёнбағирларида ўсади. Ўрта Осиёда яшайди

7. БОЛЛЕ ТЕРАГИ. Баландлиги 35 м. ва ундан ортиқ, 100 йилгача яшаши мумкин, танаси тўғри, шохбарги (кронаси) тухумсимон ёки пирамида шаклида.

Қаламчалар орқали тез кўпаяди. Табиий шароитда Ўрта Осиёнинг дарё соҳилларида ва текисликларида ўсади.

8. Пирамида шаклидаги терак. Баландлиги 25 – 30 метр, 80 – 100 йил яшайди. Қаламчалар ёрдамида кўпайтирилади. Ёввойи ҳолда Ўрта Осиёда, маданийлашган ҳолда эса Россиянинг жанубий қисмида учрайди. Қишлоқ аҳоли пунктларини кўкаламзор қилишда энг қимматбаҳо наслардан бири.

Йўлдош дарахтлар насллари

1. Қайрағоч. Баландлиги 35 метр, тез ўсади, 400 йилча яшайдиган дарахт. Совуққа чидамли, ўрмон дарахтлари чизимида фойдаланилади
2. Нок. Баландлиги 25 м, 200 йил яшайди, танаси тўғри, қишга бардош беради, қуруқликка чидайди, тупроққа ўртача талабчан. Ўрмон дарахтлари тизимида фойдаланилади.
3. Заранг (клен)лар: ўткир баргли, баландлиги 30 метр, 200 йил яшайди;
ясен баргли, баландлиги 25 метр, 100 йил яшайди, бошқаларга нисбатан ёруғликни яхши кўради, тупроққа унча талабчан эмас, ўрмон дарахтлари чизимида тавсия этилмайди, чунки ўсиб чиқадиган майда кўчатлари далаларни ифлослайди. Фақат жарликлар ичини ўрмонзорлаштиришда фойдаланилади.

4. Арғувон майда баргли (липа) – баландлиги 30 метр, 300 – 400 йил яшайди, йирик баргли, баландлиги 40 метр. Булар асосан дубнинг ва қарағайнинг йўлдоши сифатида топилган. Ҳормон дарахтлари чизимида ва айниқса каналлар бўйлаб жойлашадиган чизимларда кенг қўлланади.

5. Оқтут. Баландлиги 12- 15 метр, 250 йил яшайди, пиллачиликда кенг фойдаланилади. Ҳормон дарахтлари чизимида ва айниқса каналлар бўйлаб ўтказиладиган чизимларида кенг фойдаланилади.

Бута ўсимликлари: Буталар гуруҳига қуйидагилар киради:

1. Тоғ олчаси, тоғ олхўриси. Баландлиги 6-8 –10 м, 50-100 йил яшайди, иҳота дарахтлари чизимида ва кўкаламзорлаштиришда қўлланилади.
2. Сарик акас. Баландлиги 6 метр, тез ўсади 60 йил яшайди. Ўрмондарахтлари чизимида кенг фойдаланилади.

3. Дўлана. Баландлиги 5 метр, ёруғликни яхши кўради, совуққа чидамли. Ўрта Осиё ва бошқа ерларда кенг тарқалган. Тупроқдаги эрозияга қарши қўлланилади.

4. Юлғун (гребенщик). Йирик бута, баландлиги 6 метр, шохлари майда, тангасимон барглар билан қопланган, совуққа чидамли, тупроқ танламайди. Табиий ҳолда чўлларда ўсади, ўрмон дарахтлари чизимида ва шўрланган ерларни кўкаламзорлашда фойдаланилади.

5. Учқат. (жимолость). Баландлиги 3 метр, табиий шароитда Ўрта

Осиёнинг тоғли ерларида учрайди. Ўрмон дарахтлари чизими ва кўкаламзорлаштиришда фойдаланилади.

6. Жийда қамбар баргли. Дарахтсимон бута, баландлиги 8 метр, қурғоқчиликка, совуққа чидамли дарахтлар чизимининг ён қаторида ўтқазилади, қумлик ерларда фойдаланилади.

7. Қора арча (можжевелник). Паст бўйли, ётадиган бута, кучли илдизли, совуқ ва иссиққа чидамли. Табиий ҳолда Ўрта Осиёда кенг тарқалган, тупроқ ва қумликни маҳкамлашда қўлланилади.

Этиборингиз учун рахмат!!!